

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИБРАГИМОВ БОБУРШОҲ БОҲОДИР ЎҒЛИ**

**СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит**

диссертация ҳимоясиз муҳим илмий янгиликлар олган ва импакт-факторли ва халқаро тизимга кирган илмий журналларда чоп этилган илмий мақолалар асосида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини бериш бўйича  
**ТАҚДИМНОМА**

**Тошкент шаҳри– 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) тақдимномаси  
мундарижаси**

**Оглавление презентации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of the presentation of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

<b>Ибрагимов Бобуршоҳ Боходир ўғли</b> Солиқ муносабатларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш .....	<b>3</b>
<b>Ибрагимов Бобуршоҳ Боходир угли</b> Совершенствование системы регулирования налоговых отношений .....	<b>27</b>
<b>Ibragimov Boburshoh Bokhodir ugli</b> Improving the system of regulation of tax relations.....	<b>53</b>
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	<b>57</b>

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИБРАГИМОВ БОБУРШОҲ БОҲОДИР ЎҒЛИ**

**СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит**

диссертация ҳимоясиз муҳим илмий янгиликлар олган ва импакт-факторли ва халқаро тизимга кирган илмий журналларда чоп этилган илмий мақолалар асосида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини бериш бўйича  
**ТАҚДИМНОМА**

Тошкент шаҳри– 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt481 рақам билан рўйхатга олинган.

Тадқиқот Тошкент молия институтида бажарилган.

Тақдимнома уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Гадов Евркин Файзиевич иктисодиёт фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Жумаев Нодир Хосиятович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Тошматов Шухрат Амонович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ҳимоя Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» 06 куни соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Тақдимнома билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (187-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Тақдимнома 2021 йил «04» 06 куни тарқатилди.  
(2021 йил «04» 06 даги 20-рақамли реестр баённомаси).



*Т.З.Тешабаев*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

*Н.Н.Каландарова*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

*И.Н.Кўзиев*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) тақдимномаси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолиятини таъминлаш, улар фаолиятига давлат органлари аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим устувор вазифаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида «солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш»<sup>1</sup> мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишдаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Жаҳон амалиётида солиқ муносабатлари тизими солиқ тўловчилар ва солиқ органларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида ташкил этилади. Чунки, солиқ маданиятини ошириш ва солиқ низоларини тартибга солишда мавжуд муаммолар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатлар давлат солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлиги, солиқ муносабатларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик ҳамда назорат самарадорлигини сусайишига сабаб бўлади.

Ўзбекистонда иқтисодий низолар суд статистикаси маълумотлари таҳлили 2020 йилда келиб тушган 104331 та аризаларнинг 9,2 фоизи солиқ муносабатлари бўйича келиб чиққан низолар эканлигини кўрсатмоқда<sup>2</sup>. Шу сабабли, солиқ сиёсатини оптималлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларида: солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар ва улар ривожланиш тенденциялари таҳлили, солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш; солиқ солишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш ва бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогнозлаштириш фаолияти такомиллаштириш; солиқ назоратини ташкил қилишда солиқ текшируви объектларини олдиндан таҳлил қилиш; солиқ низоларини судгача ҳал этиш имкониятларидан самарали фойдаланиш тизимини яратиш; солиқ солиш ва солиқ муносабатларини тартибга солиш тизимини унификация қилиш; солиқ мажбуриятлари бўйича ҳуқуқбузарликларни камайтиришга эришиш; солиқ тўловчилар ҳуқуқий маданиятини ошириш эвазига уларни солиқларни тўлаш мажбурияти ва бурчларини ихтиёрий бажаришини таъминлаш ишларини такомиллаштириш вазифаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур вазифалар

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси»ни тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

бажарилишини таъминлаш халқаро тажрибалар асосида солиқ муносабатларини тартибга солишни такомиллаштириш зарурияти танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги, 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сон «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон «Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида» ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланиш дастурларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

#### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Солиқ муносабатлари, молиявий назорат ва солиққа тортиш масалаларининг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар Е.П. Антипова, С.Я. Боженок, А.Погорлецкий, А.Ю.Смагина, И.И. Кучеров, маҳаллий иқтисодчи олимлардан Ш.Тошматов, Н.Жумаев, Т.Маликов, Н.Ҳайдаров, Б.Тошмуродова, Э.Гадоев, Н.Қузиева, О.Иминов, О.Олимжонов, А.Жўраев, И.Ниязметов, Шернаев А.А., Мусагалиев А.Ж., Эргашев И.О., Собиров Ш.М., Урмонов Ж.Ж., Элмирзаев С.Э., И.Турабоев ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Антипова Е.П. Налоговая ответственность как вид административной ответственности// Административная юстиция: международный опыт и перспективы развития в России: сб. статей. - Санкт-Петербург. - 2012. - С. 124-129.; Боженок С.Я. Источники государственных доходов. -М.: НУОАОУ, 2013. - 232 с.; Погорлецкий А.И. «Международное налогообложение», Изд-во Михайлова В. А., 2006.-384 с., Смагина А.Ю., Кучеров И.И. Налоговая ответственность как вид юридической ответственности// Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Юридические науки. 2016. № (26). - С. 98-102.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли. Монография.-Т.: Фан ва технология, 2008.-204 б.; Шернаев А.А. Давлат бюджети солиқли даромадларининг ўрта муддатли истиқболини белгилаш масалалари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2009. -20 б.; Мусагалиев А.Ж. Юридик шахсларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2009. -23 б.; Эргашев И.О. Миллий бозорни ҳимоялашда акциз солиғини ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2011. -22 б.; Собиров Ш.М. Фойда солиғи ва унинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсири. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2008. -20 б.; Урмонов Ж.Ж. Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантириш функциясидан самарали фойдаланиш истиқболлари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2010. -23 б.; Жўраев А.С.

Лекин, солиқ муносабатларини тартибга солиш тизими ва назоратини такомиллаштириш масалалари яхлит тизим сифатида ўрганилмаган. Натижада солиқ муносабатларини тартибга солишда кўплаб муаммолар юзага келмоқда. Таҳлиллар солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органига мурожаатлари сони кўпайиши кузатилаётганидан далолат бермоқда. Ушбу мурожаатларнинг асосий қисми ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш тўғрисида эканлиги солиқ назорати тадбирлари натижаси бўйича қабул қилинаётган қарорлардан солиқ тўловчиларнинг норозилигини билдиради.

Солиқ муносабатларини тартибга солиш самарадорлиги солиқ низолари сони камайиши, солиқ тўловчилар ҳамда давлат солиқ хизмати органлари ўртасида ҳамкорликни яхшиланиши, боқиманда қарздорликни камайиши ва солиқ назорати тадбирлари сонининг пасайиши билан характерланади.

**Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТМ-3 «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк, ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** солиқ муносабатларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

солиқ муносабатларни тартибга солиш ва назоратининг назарий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ҳамда миллий давлатчиликни солиқ муносабатларини шаклланишдаги ролини очиб бериш;

солиқ назорати ва маъмуриятчилиги учун ахборотлар базасини шакллантириш механизмларини таҳлил қилиш ҳамда уларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш;

солиқ назорати амалиётини таҳлил қилиш ва улар самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

солиқ мажбуриятлари ижросини таъминлаш механизмларини тадқиқ қилиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

солиқ қарзларини ундириш механизмлари ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини тадқиқ қилиш асосида боқиманда қарздорликни ундиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

солиқ имтиёзлари самарадорлигини таҳлили асосида уларни оптималлаштириш бўйича тавсиялар киритиш;

---

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 224 б.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш масалалари. Монография. Т.:2017. 153 б. Турабоев И. Ўзбекистон Республикаси норезидент юридик шахсларига солиқ солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 2019. -45 б.

давлат солиқ хизмати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини тадқиқ қилиш асосида уларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида давлат солиқ хизмати органларининг солиқ муносабатларини тартибга солиш ва назорат тадбирларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** солиқ муносабатларини тартибга солиш тизимини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқот ишида гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

солиқларни тўлаш бўйича муддатни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш тартибини жорий этиш таклиф этилган;

илк бор солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш бўйича кафиллик ҳамда гаров тартибларини қўллаш таклиф этилган;

солиқ тўловчилар фаолиятини текширмасдан кўздан кечириш ҳамда сўров ўтказиш йўли билан назорат қилиш таклиф этилган;

солиқ тўловчилар учун бир хил имконият яратиш мақсадида алоҳида ва мақсадсиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

солиқ муносабатларини тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий асослари шаклланишида миллий давлатчилик ва қарашларнинг ўрни асосланган;

солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсати солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилиши ҳамда солиқ ҳисоби регистрлари шакли ва уларни тузиш тартиби ихтиёрий асосда тасдиқланиши таклиф қилинган;

солиқ тўловчиларни солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича мажбуриятлари бажарилиши текшириш бўйича сайёр солиқ текшируви ўтказиш ҳамда унинг аниқ муддатларини белгилаш илк бор таклиф этилган;

солиқ қарзларини кафиллик ва гаров механизмлари асосида кечиктириш имкониятини бериш механизмлари тавсия этилган;

лозим даражада эҳтиёткорликни таъминлаш учун солиқ тўловчиларга ахборотлар етказиш йўллари таклиф қилинган;

тежамкорлик, натижадорлик ҳамда хизматлар сифати мезон кўрсаткичлари асосида давлат солиқ хизмати органлари фаолияти самарадорлигини комплекс тарзда баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба–синов ишлари самарадорлигининг математик–статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, шунингдек халқаро иқтисодий ташкилотлар маълумотларидан фойдаланганлиги билан белгиланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар назарий ва ташкилий–услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа оид муносабатларни тизимлаштириш ва асослашда, муаммоларни ўзаро ҳал этиш, ва солиқ назорати амалларини ўтказишда йўриқнома сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Солиқ муносабатларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

солиқларни тўлаш бўйича муддатни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш тартибини жорий этиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-508-сон Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ Кодексида (139-модда) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 29 ноябрдаги 17/3-34299-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этилиши натижасида бюджетга 3467,8 млрд. сўм қўшимча даромад ҳисобланган;

илк бор солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш бўйича кафилик ҳамда гаров тартибларини қўллаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ Кодексида (107-108 моддалар) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 10 мартдаги 17/1-07626-сон маълумотномаси). Солиқ қарзларини тўлашни кафилик ва гаров асосида кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тартибини амалиётга жорий этилиши боқиманда солиқ қарзларини камайиши учун хизмат қилган;

солиқ тўловчилар фаолиятини текширмасдан кўздан кечириш ҳамда сўров ўтказиш йўли билан назорат қилиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-508-сон Қонунда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 29 ноябрдаги 17/3-34299-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши солиқ тўловчилар фаолиятини текширмаслик бўйича эълон қилинган мониторинг ижроси ҳамда солиқ қонунчилиги назоратини таъминлашга хизмат қилган;

солиқ тўловчилар учун бир хил имконият яратиш мақсадида алоҳида ва мақсадсиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПФ-5755-сон фармонида (2-банд «в» кичик банди) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 29 ноябрдаги 17/3-34299-сон маълумотнома). Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида 2020 йил 1 чорагида давлат бюджетига қўшимча 132,2 млн.сўм даромад ҳисобланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 9 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича Web of Science, Scopus ва халқаро базаларда индексланган хорижий журналларда 8 та мақола нашр этилган.

## АСОСИЙ ҚИСМ

**«Солиқ муносабатларни тартибга солишнинг назарий ва ҳуқуқий масалалари» номли биринчи мақолада** ўзбек давлатчилигида солиқ муносабатлари, уларнинг тарихи ва ривожланиши таҳлили қилинди. Маълумки, солиқлар бозор муносабатлари шароитида давлат хазинасини тўлдирувчи асосий манба бўлиб ҳисобланиши билан бирга иқтисодий тартибга солувчи молиявий механизм ҳамдир. Солиқ муносабати иштирокчиларининг иқтисодий манфаатларини инобатга олиш ва улар манфаатлари муштарақлигини таъминлаш ушбу муносабатларни тўғри ташкил этиш ҳисобланади. Солиқ солишнинг классик ва умумэтироф этилган тамойилларига амал қилиш солиқ юки меъёрини оптималлаштириш, солиқ тўловчининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестициялар ва модернизацияга маблағлар йўналтиришини рағбатлантиради.

Ўзбекистон дунёда математика, астрономия, фикҳ, география каби фанлар қатори солиққа тортиш тамойиллари ва солиқ муносабатларини тартибга солиш тизимини яратилишига ҳам катта ҳисса қўшган давлат ҳисобланади. Тадқиқотларимиз Амир Темур солиққа тортишда барча амал қилиши зарур бўлган тамойиллар ва солиқ юкини оптимал бўлиши, давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда, аввало халқнинг манфаати ва ҳар бир алоҳида хўжаликда бой-бадавлатликнинг эришилган даражасини инобатга олиш тамойилига амал қилиш зарурлиги, ерларга балл бонитетларига қараб солиқ солиш, фуқароларга солиқларни тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқини бериш тартибларини ўз тузукларида илк бор баён этганлигини кўрсатди<sup>4</sup>. Шунингдек, замонавий солиққа тортиш маъмуриятчилигида солиқларни кечиктириб тўлаш, бўлиб-бўлиб тўлаш, мажбурий ундиришда қўлланиладиган механизмлар ҳам Амир Темур асарларида аниқ ва равшан баён этилган.

Мақолада соҳибқирон Амир Темур фақат саркарда ва империя асосчиси эмас балки, Адам Смитдан тўрт аср муқаддам солиққа тортиш назарияси ва амалиёти тўғрисидаги асосий тамойилларни ишлаб чиққан ҳамда солиқ маъмуриятчилиги амалиётига асос солган давлат арбоби эканлиги тарихий манбалар материаллари таҳлили билан асосланди.

**«Солиқ мажбуриятларини тартибга солишнинг долзарб масалалари» номли иккинчи мақолада** солиқ мажбуриятлари, унинг ижросини таъминлаш ҳамда уни ижро этилмаслиги оқибатида келиб чиқадиган солиқ ҳуқуқбузарликлари ва уларни бартараф этиш тўғрисидаги масалалар ўрганилди.


Солиқ муносабатлари тизимида солиқ мажбуриятларини тартибга солиш давлат солиқ сиёсатининг мураккаб ҳаракатидир, чунки унинг мақсади нафақат давлатнинг бюджет-солиқ манфаатларига риоя қилиш, балки солиқ тўловчининг манфаатларини, шунингдек, аҳоли даромадларининг ўсиши ва фаровонлиги учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш ҳам ҳисобланади.

---

<sup>4</sup>А.Темур «Темур тузуклари», Т.: Ўзбекистон. 2011 й. 143- бет.

Дунёнинг иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатлари тажрибаси таҳлили давлат бюджет-солиқ сиёсати хазинага маблағ тўплаш билан бирга иқтисодий тармоқларини ривожлантиришга ҳам хизмат қилишни таъминлаши зарурлигини кўрсатмоқда. Шу боис, «макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш»<sup>5</sup> мамлакатимиз янги солиқ концепциясининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда давлат томонидан бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани боис йилдан-йилга тадбиркорлик субъектлари сони ўсишига эришилди (1-расм).



**1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларидаги улуши<sup>6</sup>.**

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 15 фоизга ўсган ҳамда уларнинг сони 678699 тани, фаолият юритаётганлари сони эса 401031 тани ташкил этиб, мос равишда 7 фоизга ўсган<sup>7</sup>.

Солиқ муносабатлари иштирокчилари бўлган субъектларнинг муҳим хусусияти қонун нормалари билан белгиланган аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга шахслар эканлигидир. Тадқиқотларимиз бир гуруҳ олимлар томонидан ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизимини уч гуруҳга, иккинчи гуруҳ олимлар эса уни қуйидаги тўрт гуруҳга бўлишни таклиф этишганлигини кўрсатмоқда:

солиқ ҳуқуқи лаёқатига эгалик, яъни бошқа солиқ-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишидан қатъи назар, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуасига эга бўлиш лаёқати;

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли Фармони. Т.; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 26-сон, 509-модда.

<sup>6</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

солиққа оид муомалага лаёқатлилиқ, яъни шахснинг юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни мустақил амалга ошириш лаёқати;

солиқ тўлашга лаёқатлилиқ, яъни солиққа оид ҳуқуқбузарликлари бўйича ўз ҳаракатларига жавобгар бўлиш лаёқати;

солиқ жараёнлари битимига лаёқатлилиқ, яъни фуқаролик битимлари тузишни шахсан амалга оширишга лаёқатли бўлиши.

Демак, солиқ ҳуқуқи муносабатлари субъектлари солиқ қонунчилигида кўзда тutilган муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган жисмоний шахслар ҳамда юридик шахслар ҳисобланади. Бир томондан улар солиқ тўловчилар, иккинчи томондан эса солиқ назорати ваколатларини амалга ошириш ҳуқуқига эга давлат солиқ хизмати ва бошқа ваколатли органларидир. Солиқ муносабатлар субъектларини бундай таснифлаш солиқ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни хусусий ва давлат тамойиллари нисбати жиҳатидан тақсимланишини ифодалайди. Бу уларнинг манфаатларининг ўзига хослигини тўлиқ акс эттиради ва қарама-қаршилиқ ҳамда низолар мавжудлигини изоҳлашга хизмат қилади.

Фикримизча, солиқ мажбурияти ва уни бажаришнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамияти давлатнинг ўз вазифаларини тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлашда намоён бўлади. Солиқ мажбуриятларини бузиш учун жавобгарликнинг ўзига хослиги шундаки, унинг таркиби турли ҳуқуқий соҳаларида намоён бўлиши билан характерланади. Солиқ муносабатлари механизмлари ҳуқуқий ҳимоя қилиш молиявий, жиноий, маъмурий ва божхона қонунлар билан таъминланади.

Қайд этилганлар солиқ мажбуриятларини ҳимоя қилиш тизимида жавобгарлик учун жазони муқаррарлик тамойили тармоқлараро ҳуқуқий тузилмалари иштирокида таъминланади, деган хулоса қилишимиз учун асос ҳисобланади. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш давлатнинг солиқ тизими билан бир вақтда пайдо бўлган ва параллел равишда ривожланиб боради. Солиқ тўловчиларнинг айрим гуруҳлари мол-мулклари бир қисмини давлатга солиқ сифатида беришни истамайдилар ва солиқ билан боғлиқ ахборотларни яширадилар. Давлат ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳамда солиқ тўловчилар томонидан содир этиладиган бундай ҳаракатларни олдини олиш мақсадида, солиқлар тўлашдан бўйин товлаган шахслар билан курашиш, солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик учун жавобгарлик тизимини белгилашга мажбур бўлади. Албатта, солиқ муносабатлари ривожланишининг турли босқичларида солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси турлича баҳоланади.

Тадқиқотларимиз солиқ тизимининг самарали ишлашини таъминлаш учун давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларнинг бир томонлама хусусиятидан воз кечиш ҳамда давлат солиқ хизмати органлари ҳамда солиқ тўловчилар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлаш зарур, деган хулоса қилишга асос бўлди.

Ҳозирда давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ҳамкорлик принципи асосида янги муносабатлари барпо этилмоқда, бу солиқ қонунчилиги нормаларини қўллашга расмий ёндашувни

истисно қилади. Солиққа тортиш муносабатларини тартибга солишнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан шериклик муносабатларига ўтилиши солиқ маъмуриятчилигининг бутун тизимини сезиларли даражада ўзгартиради ва солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини сидқидилдан бажаришига ёрдам беради.

Солиқ мажбурияти ва унинг ижросини таъминлаш муаммоларини ўрганишлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида солиқ муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қонун чиқарувчи томонидан қуйидаги талаблар инобатга олинishi зарурлиги асосланди:

солиқ мажбуриятларини бажармаганлик (лозим даражада бажармаганлик) учун жазо тайинлашда унинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда дифференциал жазо чораларини назарда тутиш;

жазо даражаси содир этилган қилмишга ва бюджетга етказилган зарарга муносиб бўлиши;

бир хил ҳуқуқбузарлик учун икки марта жазо тайинланишига йўл қўймаслик.

Ушбу тамойиллар солиқ муносабатлари тарихий ривожланиши узок йиллик тажрибасидан келиб чиқиб шаклланган. Шу сабабли уларни солиқ муносабатларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда инобатга олинishi солиққа оид мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши учун хизмат қилади.

**«Солиқ маъмуриятчилигининг солиқ органлари фаолияти самарадорлигини оширишдаги роли» номли учинчи мақолада** солиқ маъмуриятчилигининг мақбул амалиётини давлатнинг ривожланиш стратегияси, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омиллари, аҳоли ҳамда солиқ тўловчилар менталитетини инобатга олиб такомиллаштириб бориш зарурлигининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва ҳуқуқий оқибатлари тадқиқ этилган.

Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлиги солиқ тизимининг ҳолати, унинг яхлитлиги, барқарорлиги, молиявий ва иқтисодий самарадорлигининг белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади. Мамлакат бюджети даромад қисмини солиқ тўловлари билан тўлдириш барқарорлиги солиқ ҳуқуқбузарликлари содир этилишининг ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш, солиқ тўловчиларга солиқ тўлаш борасидаги ўз конституциявий мажбуриятларини бажариш учун яратилган шарт-шароитларни таъминлаш даражасига боғлиқ.

Шу билан бирга таъкидлаш зарурки, солиқ маъмуриятчилигининг паст даражада бўлиши бюджетга солиқ тушумини камайиши, солиқ ҳуқуқбузарликларини содир этиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари, бюджетга боқиманда қарздорликни қўпайишига сабаб бўлади. Бу эса оқибатда жамиятда ижтимоий кескинликни келтириб чиқаради ва мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига путур етказади.

Солиқларнинг бюджетга ўз вақтида бюджетга тушумини таъминлашнинг объектив зарурлиги билан боғлиқ жараёнлар шаклланиши

Ўрганиш натижасида кишилиқ жамиятининг ривожланиши билан унинг такомиллашиб борганлигини кузатиш мумкин. Ҳозирги босқичда эса давлат солиқларни ўрнатиш (белгилаш) ва уларни ўз вақтида ундириш билан боғлиқ бўлган вазифаларини тўлиқ ўз зиммасига олади ва солиқ ундиришнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқади ҳамда уни доимий равишда заруриятга кўра такомиллаштириб, яъни тартибга солиб бориш чораларини кўради.

Ҳар қандай ижтимоий ишлаб чиқариш босқичларида самарадорлик муҳим масала ҳисоблансада, унга эришиш йўллари ва баҳо бериш тизими қандай бўлиши зарурлиги тўғрисидаги масалаларига ХХ асрдан эътибор бериб бошланган. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари ўтган асрнинг 60-70 йилларида Питер Друкер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у «Мақсад сари бошқарув услуби корхона раҳбарига бутун диққат-эътиборини энг яхши натижага эришишга қаратиш имконини берувчи изчил ва тартибли ёндашувдир», деган ғояни илгари суради.

Тадқиқотлар натижасида олимларнинг солиқ маъмуриятчилиги бўйича мавжуд қарашлар мазмунига кўра 5 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ олимлари О.Ногина солиқ маъмуриятчилиги - солиқларни ундириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи, А.Тейт эса солиқ маъмуриятчилигини - барча солиқларни минимал харажат қилиб максимал даражада йиғиб олишга қаратилган тадбирларнинг йиғиндиси, деган қарашларни илгари суради. Иккинчи гуруҳ олимлар эса солиқ маъмуриятчилиги мазмунига солиққа тортиш ва солиқ муносабатлари тизимини бошқариш хусусияти бўйича ёндошганлар. Учинчи гуруҳ олимлар солиқ маъмуриятчилигига ижро ҳокимияти ташкилий-тақсимлаш фаолияти, тўртинчи гуруҳ эса солиқ маъмуриятчилиги солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдир, деган қарашни баён этганлар. Бешинчи гуруҳга киритилган олимлар солиқ маъмуриятчилиги «федераль, ҳудудий ва муниципаль солиқ органлари фаолияти самарадорлиги улар томонидан йиғилган солиқлар миқдорининг солиқларни йиғиш учун сарфланган харажатларга нисбати билан баҳоланади», деб ҳисоблайди. К.Г.Рау солиқ органи ҳар қандай шароитда давлат бюджети даромадларини барқарор равишда оширишни, яъни маъмурий харажатлар фискал самарадорлигини оширишни мақсад қилса, ўзаро солиқ ҳамкорлиги бўйича келишувга эришиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Мақолада солиқ органи ва солиқ тўловчи ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимини шакллантириш учун харажатларнинг фискал самарадорлиги ҳамда солиқ маъмуриятчилиги оптималлигини таъминлаш мезонларини уйғунлаштириш зарурлиги асосланди.

Солиқ маъмуриятчилиги тежамкорлигининг индикатори унинг натижадорлиги ҳисобланади. Бу сарфланган вақт, меҳнат ва харажатлар даражасида ўз ифодасини топади. Давлат солиқ хизмати органларининг натижадорлиги натурал ва пул миқдорларида ҳам ифодаланиши мумкин. Натурал миқдорда давлат солиқ хизмати органининг натижадорлигига бир давлат солиқ инспекторига тўғри келадиган солиқ ҳисоботларни қайта ишлаш, бир ходимга тўғри келадиган солиқ тўловчилар сонини киритиш

мумкин. Пул миқдорда ифодаланадиган давлат солиқ хизмати органларининг натижадорлиги бир текширувга тўғри келадиган қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси, бир ходимга тўғри келадиган ундирилган боқиманда қарздорлик каби кўрсаткичлар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар коэффицентлар ва индекслар шаклида ҳисобланиши мақсадга мувофиқ.

Ушбу кўрсаткич миқдорий кўрсаткич ҳисобланади ва фақат улар асосида давлат солиқ хизмати органи фаолиятини баҳолаш ҳамма вақт ҳам ижобий натижани бермайди, деб ҳисоблаймиз. Иқтисодий таҳлил фаолият натижасига баҳо беришда нафақат миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланишни, балки сифат кўрсаткичларидан ҳам фойдаланишни тавсия этади. Чунки, фаолият самарадорлика унинг натижасига бевосита таъсир этувчи омиллар эвазига эмас, балки, билвосита омиллар эвазига ҳам эришилиши мумкин. Шу сабабли давлат солиқ хизмати органи фаолиятига баҳо беришда мезонлар сифатида солиқ маъмуриятчилиги тежамкорлиги, натижадорлиги ва сифатлилиги каби кўрсаткичларни асос қилиб олиш таклиф этилди.

Солиқ маъмуриятчилигини тўғри ва самарали ташкил этиш натижасида бюджетга кўпроқ солиқ тушумини таъминлаш ҳамда бир сўм харажатга тўғри келадиган солиқ ундириш миқдорини ошириш солиқ маъмуриятчилигининг тежамкорлиги ҳисобланади. Шу сабабли давлат солиқ хизмати органи фаолиятини баҳолашда тежамкорлик билан бирга сифат ва натижадорлик каби кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилигининг дастлабки йиллардаги амалиёти таҳлили натижалари унинг асосан солиқ тўловчиларни жазолашга қаратилганлигини кўрсатади. Солиқ маъмуриятчилигининг жазолашга қаратилган тизимида солиқ назорати иқтисодий жараёнлар ўтгандан сўнг амалга оширилиб, ўтган солиқ даврида йўл қўйилган хато ва камчилик, ҳуқуқбузарликлар учун қаттиқ жазо чоралари қўлланилиши билан характерланади. Миллий ва хорижий солиқ маъмуриятчилиги қиёсий таҳлили жазога қаратилган солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлиги пастлигини кўрсатади. 2000-2005 йилларда танлов асосида Самарқанд, Тошкент шаҳарларида амалга оширилган солиқ тўловчилар (юридик шахслар) томонидан солиқларни ихтиёрий тўлаш даражаси таҳлили натижалари унинг йиллик ўртача миқдори 15 фоизни ташкил этганлиги жазога қаратилган солиқ маъмуриятчилиги самарадорлиги натижасининг ифодалайди. Ўзаро ҳамкорликка асосланган ва солиқ назорати жорий назорат тарзида ташкил этиладиган мамлакатларда ихтиёрий солиқ тўлаш даражаси 95 фоиздан кам эмас. Шу сабабли 2005 йилда мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилигини жазолашга қаратилган тизимидан давлат солиқ хизмати ва солиқ тўловчиларнинг ўзаро ҳамкорлик тизимига тўлиқ ўтишга асос солинди.

Солиқ юкини оптималлаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида солиқ йиғилувчанлиги даражасининг ўсиши кузатилмоқда. Солиқ органи



маълумотларига кўра 2017 йилда давлат бюджетга солиқ тушумлари 21059,8 млрд.сўм келиб тушган бўлса, 2019 йил натижаларига кўра бу кўрсаткич миқдори 83266,4 млрд.сўмни, 2020 йил якунларига кўра эса 103566,4 млрд. сўмни ташкил этган. Бюджетга 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 24,0 фоиз кўп солиқ тушумлари келиб тушган. Солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси таҳлили натижаларидан 2017 йилда унинг даражаси 95,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси 0,6 даражага ошган ва 96,4 фоизни, 2019 йилда эса 97,1 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Фикримизча, бунинг асосий сабаби солиқ текширувлари даврийлиги билан боғлиқ эди. Чунки режали солиқ текширувлари учун белгиланган давр мобайнида солиқ тўловчи ўз фаолиятини тугатиб, «**уйқу режимига**» ўтади. Натижада солиқ текширувининг натижадорлиги юқори бўлсада, кўшимча ҳисобланган солиқларни ундириш даражаси пасайишига олиб келади. Камерал назорат солиқ тўловчини «уйқу режимига» ўтмасдан олдинги «**фаол режим**» даврида ўтказилади. Тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган «ваколатли органнинг рухсати билан жойига чиқиб, 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатга сайёр камерал назорат ўтказилиш», мазмундаги меъёрни киритиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклиф янги таҳрирдаги Солиқ кодексида ўз аксини топган.

**«Солиқ мажбуриятлари ва унинг ижросини тартибга солиш масалалари» тўғрисидаги тўртинчи мақолада** солиқ мажбуриятлари, улар ижросини таъминлаш ҳамда уни ижро этилмаслиги оқибатида келиб чиқадиган солиқ ҳуқуқбузарликлари ва уларни бартараф этиш бўйича йўллари таклиф этилган.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, самарали солиқ тизими иқтисодиётнинг ривожланиши ва ўсишини рағбатлантирадиган, шунингдек, бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратадиган пайтда бўлади. Бундай шартлар нафақат солиқ ставкалари даражаси, балки солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиб-таомиллари, солиқ текширувлари ўтказилишини тартибга солиш билан, балким оқилона солиқ маъмуриятчилиги орқали таъминланади.

Солиқ тўловчилар билан муносабатларни тубдан ўзгартириш, бизнесни юритиш учун шаффоф схемалари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ базаси билан боғлиқ зарур маълумотларни солиқ органларига тақдим этишга тайёр бўлган муҳитни шакллантиришга қаратилган солиқ сиёсати солиқ тўловчининг ўз мажбуриятини бажаришга хизмат қиладиган омилдир. Бу эса давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳамкорлик борасида янги шарт-шароитлар яратиш ва солиқ назоратини инновацион усулларини ишлаб чиқишни ҳамда улар ўртасида бизнес-ҳамкор ва маслаҳатчи сифатида янги имидж яратиш, солиқ тўловчиларга беғараз ва сифати хизмат кўрсатиш тизимини давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини баҳолаш мезонига айлантиришни талаб этади

АҚШ, Швейцария, Нидерландия, Германия, Япония солиқ маъмуриятчилиги моделлари таҳлиллари шериклик муносабатлари тизими солиққа тортишда энг самарали ҳисобланишини кўрсатмоқда. Чунки ўзаро

манфаатга асосланган ҳар қандай муносабатлар тизими унинг барча иштирокчилари учун фойдали ҳисобланади. Бу ҳар қандай таҳдид ва жазо тизимидан самарали бўлиб солиқ тўловчиларни жамият учун керакли йўналишда ҳаракат қилишга сафарбар қилади.

Маълумки, солиқ назорати самарадорлиги уни ахборот таъминотига боғлиқ ҳисобланади. Ривожланган давлатлар солиқ назоратида қўлланиладиган солиқ мониторинги тизимида солиқ тўловчилар ўз фаолиятларини солиққа тортиш учун асос бўлган барча маълумотларни солиқ органига тақдим этади. Ўз навбатида давлат солиқ хизмати органлари тақдим этилган маълумотлар асосида ҳаққоний равишда солиқларни ҳисоблаш ва адолатли солиққа тортиш ҳамда таъқиб қилинмаслик, юзага келиши мумкин бўлган чалкашликлар ва хатолар учун салбий суд амалиётидан ҳимоя қилиш тизимини кафолатлайди.

Нидерландияда 2005 йилда йирик солиқ тўловчи компаниялар фаолияти устидан назоратни кучайтириш мақсадида солиқ мониторинги назорат тури жорий этилади. Ҳозирда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларида ушбу солиқ назорат тури қўлланиб келинмоқда. Мамлакатимизда солиқ назоратининг қайд этилган солиқ мониторинги тури 2018 йил 1 январдан жорий этилган. Фақат солиқларни ҳалол тўлайдиган ва солиқ органлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини доимий назорат қилишдан кўркмайдиган солиқ тўловчилар ушбу тартибга ўтиб ишлайди. Бунинг эвазига, солиқ тўловчи солиқ қонунчилиги бўйича мунозарали масалалар келиб чиқишини олдини олиш, прогнозлаш натижасида хатарларни камайитириш имконига эга бўлади. Солиқ назоратининг бошқа турларидан фарқли равишда солиқ мониторинги унинг иштирокчиларига қуйидаги афзалликларни беради (1-жадвал).

### 1- жадвал

#### Солиқ мониторингининг манфаатдор тарафлар нуқтаи назаридан афзалликлари<sup>8</sup>

Давлат солиқ хизмати органи учун	Солиқ тўловчи учун
1. Солиқ тўловчи фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг юқорида даражадаги очиклиги.	1. Давлат солиқ хизмати органи билан ўзаро ҳамкорлик тамойиллари тўғрисида келишувга эришиш.
2. Хўжалик жараёнлари тўғрисидаги ҳужжатларни доимий олиш имконияти мавжудлиги.	2. Солиқ қонунчилигини турли тарзда талқин қилиш ва қўлланилиш ҳолатларининг камайиши.
3. Солиқ тўловчи фаолияти реал иш вақти давомида назорат қилиб борилиши.	3. Шартнома бўйича солиқ ҳисоблаш масаласида олдиндан аниқ ва малакали маслаҳат олиш имконияти мавжудлиги.
4. Солиқ текширувлари сони ва харажатларининг қисқариши.	4. Аудит харажатларининг камайиши.
5. Солиқ тўлашдан турли йўллар билан бўйин товлашнинг камайиши.	5. Солиқ хавфининг камайиши.
6. Солиққа оид низолар сонининг камайиши.	6. Солиқ текширувидан холос бўлиш.
7. Солиқ тўловчилар ўртасида давлат солиқ хизмати органининг нуфузи ўсиши.	7. Суд харажатларининг камайиши.
	8. Солиққа оид низолар учун сарфланадиган вақтнинг тежалиши.

Лекин кўрсатилган афзалликлар ва енгилликларга қарамасдан ўтган 2018-2020 йилларда солиқ мониторинги тизимида иштирок этиш тўғрисида бирорта ҳам солиқ тўловчи ариза билан мурожаат қилмаган. Мазкур назорат

<sup>8</sup>Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

тури бўйича мавжуд муаммолар таҳлили натижасида қуйидаги ҳолатлар аниқланди: Биринчидан, солиқ мониторингининг мазмуни ва унинг солиқ тўловчилар учун афзалликлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари умуман амалга оширилмаган. Иккинчидан, давлат солиқ хизмати органларида назоратнинг солиқ мониторинги турини амалга оширадиган малакали ходимлар шакллантирилмаган. Учинчидан, солиқ мониторингининг мазмун-моҳияти, афзалликлари бўйича солиқ тўловчида ҳам, давлат солиқ хизмати органида ҳам зарур малака ва билим шаклланмаган. Тўртинчидан, солиқ мониторинги қонунлар асосида фаолият юритувчи солиқ тўловчилар учун манфаатли ҳисобланади.

Юқорида қайд этилгангалар солиқ мониторинги шакли мамлакатимиз солиқ назорати амалиётига етарли тайёргарликсиз жорий этилган ва уни амалга ошириш учун давлат солиқ хизмати органи ҳам, солиқ тўловчи ҳам тайёр эмас деган умумий хулоса қилиш учун асос бўлади. Шу сабабли давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ назоратини ўтказишда солиқ тўловчилар билан ўзаро шартнома асосида солиқ мониторинги олиб бориш йўналишига эътиборни кучайтириши зарур ҳисобланади. Ушбу назорат турини амалга оширилганлик даражаси давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони сифатида белгиланишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Солиқ мажбуриятлари ижроси бўйича амалга оширилган тадқиқотларимиз қонунчилик солиқ тўловчиларга мажбуриятларини кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқлари берилгани ҳолда, уни тартибга солиш механизми тўлиқ шаклланмаганлиги кўрсатди. Бундан ташқари солиқ мажбурияти ижросини кечиктириш амалиётида вакилнинг кафолати ва гаров институтларида фойдаланиш масаласи Ўзбекистон солиқ қонунчилигида назарда тутилмаган эди. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 4-§ мажбурият ижросини кафиллик механизми билан бажаришни таъминлаш муносабатларини белгилаб беради. Тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган солиқ қарзини кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш ҳамда бунда кафиллик ва гаров механизмларини қўллаш тартибларини амалиётга жорий этиш таклифи янги таҳрирдаги Солиқ кодексига ўз аксини топган.

**«Солиқ муносабатларини тартибга солишнинг долзарб масалалари»га бағишланган бешинчи мақолада** давлат ва солиқ тўловчилар ўртасида содир бўладиган солиқ муносабатлари фундаментал ҳуқуқий асоси одатда кўпчилик давлатлар қомусий ҳужжати ҳисобланадиган конституцияда фуқароларнинг мажбуриятлари сифатида белгилаб қўйилиши билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам «фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар»<sup>9</sup> деб белгилаб қўйилган ва бу ҳар бир фуқароининг бурчи сифатида эътироф этилган.

Солиқ мажбуриятлари ва уни ижроси масалалари илмий адабиётларда

---

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т: "Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси", 1993 йил, 1-сон, 4-модда.

кўплаб муҳокама қилинмоқда. С.Я. Боженок, Е.П. Антипова каби бир гуруҳ олимлар солиқ мажбуриятларини мажбуриятнинг мустақил тури сифатида эътироф этишни рад этиб, уни маъмурий жавобгарлик билан бир хил ҳуқуқий хусусиятга эга эканлигини таъкидлайдилар. Иккинчи гуруҳ олимлар А.Ю.Смагина, И.И. Кучеровлар эса солиқ мажбурияти ўзига хос хусусиятлар, ўз ҳуқуқий базаси, яъни қонунчилиги, объект ҳамда субъектлари, солиқ тўловчи, солиқ органига эга эканлигини таъкидлайди ва уни мажбуриятнинг алоҳида тури, деб ҳисоблайди.

Мазкур ҳолатларга баҳо бериш мақсадида мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида 51-моддасида белгиланган меъёр дунёнинг бир қатор мамлакатлари конституциялари билан таққосланди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Солиқ мажбуриятини дунё мамлакатлари конституцияларида белгиланиши<sup>10</sup>

Т/р	Давлатлар номи	Конституция моддаси	Модданинг мазмуни
1.	Ўзбекистон	51	Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.
2.	Австрия	йўқ	белгиланмаган
3.	Буюк Британия	йўқ	белгиланмаган
4.	Россия	57	Ҳар ким қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбур.
5.	Қозоғистон	35	Қонун билан белгиланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш барчанинг бурчи ва мажбурияти ҳисобланади.
6.	Украина	67	Ҳар ким қонун билан белгиланган миқдордаги солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбур.
7.	Белорусь	56	Белорусь Республикаси фуқаролари давлат солиқлари, бож ва бошқа тўловларини тўлаш йўли билан давлат харажатларини молиялаштиришда иштирок этади.
8.	Қирғизистон	25	Қирғизистон Республикаси фуқаролари қонунчиликга мувофиқ солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбур.
9.	Грузия	67	Барча қонун билан белгиланган миқдорлар ва тартиблардаги солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбур.
10.	Арманистон	60 м. 8-банд	Ҳар ким давлат ва маҳаллий бюджетга қонунга мувофиқ белгиланган миқдордаги солиқлар, божлар, бошқа мажбурий тўловларни шакллантириб тўлашга мажбур.
11.	Озарбайжон	73-1	Қонун билан белгиланган солиқлар ва бошқа давлат йиғимларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш барчанинг бурчи ҳисобланади.
12.	Тожикистон	45	Қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш ҳар кимнинг мажбурияти ҳисобланади.
13.	Туркманистон	59	Ҳар бир инсон қонун билан белгиланган тартиб ва миқдордаги солиқлар ва бошқа тўловларни тўлашга мажбур.
14.	Хитой	19	Фуқаролар қонунга мувофиқ солиқларни тўлашга мажбурдир.
15.	Япония	30	Аҳоли қонунга мувофиқ солиққа тортилиши шарт.
16.	Жанубий Корея	38	Қонун билан белгиланган шартларда барча фуқаролар солиқ тўлашга мажбур.
17.	Польша	84	Ҳар ким оммавий ҳокимият ўрнатган чеклов ва талабларни бажаришга, шу жумладан қонунда белгиланган солиқларни тўлашга мажбур.
18.	АҚШ	йўқ	белгиланмаган

Асосий қомусимиз ушбу моддаси талабига кўра солиқ тўловчи сифатида фақат фуқаролар эътироф этилмоқда. Тадқиқотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 51-моддаси амалдаги таҳририни «Барча

<sup>10</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

шахслар зиммасига қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар» мазмунда ўзгартириш таклиф этилди.

